

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН
ФИЛИАЛИ**

МАМАДЖОНОВА НАФИСАХОН АБДИМАННОБОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ СУВ
ВА РЕСУРСТЕЖОВЧИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Мамаджонова Нафисахон Абдиманнобовна

Андижон вилоятининг оч тусли буз тупроқлари шароитида янги ғўза навларини етиштиришнинг сув ва ресурстежовчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш..... 3

Мамаджонова Нафисахон Абдиманнобовна

Разработка водно и ресурсосберегающих агротехнологий выращивания новых сортов хлопчатника в условиях светлых сероземных почв Андижанской области..... 21

Mamadjonova Nafisakhon Abdimannobovna

Development of water and resource-saving agritechnology for cultivation of the new cotton varieties in conditions of the light sierozem soils of the Andijan province..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН
ФИЛИАЛИ**

МАМАДЖОНОВА НАФИСАХОН АБДИМАННОБОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ СУВ
ВА РЕСУРСТЕЖОВЧИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.02 — Мелиорация ва сугорма дехкончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Qx258 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исашов Анваржон

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исаев Сабиржон Хусанбаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Тунгушова Дилбар Абдукаюмовна

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етаякчи таъкилот:


Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «24» 05 2019 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таниinish мумкин (55 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35, факс (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «7» 05 да тарқатилди.
(2019 йил «7» 05 даги 7 рақамли реестр баённомаси)




Ш.П.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к х ф.д., профессор


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к х ф.н., профессор


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё буйича 33 млн. гектар майдонга ғўза етиштирилиб, 25 млн. Тоннадан зиёд пахта хосили олинмокда. Бу экинларни суғоришда кўп сув ва бир канча агротехник тадбирлар талаб килади. Мавжуд сувларнинг 2,0 фоизга яқини чучук сув ресурслари бўлиб, чучук сувларнинг 20 фоизи ер ости сувларига, 1 фонзи эса дарё ва кўллارга тўғри келади. Шу боисдан жaxon микёсда экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларни такомиллаштириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.¹ Қишлоқ хўжалигида чучук сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган ҳолда тупрок унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришда 45 мамлакатда йилига 12 млн. тонна ноанъанавий агрорудалар қазиб олиниб, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг микёсда фойдаланиб келинмокда.

Дунёдаги пахта етиштирувчи етакчи мамлакатларда, маъданли ўғитларга қўшимча озика сифатида ноанъанавий агрорудаларни ҳар хил тупрок шароитларида қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. Ресурстежамкор технология сифатида тупрокка ноанъанавий агрорудаларни қўллаш натижасида, тупрокнинг агрофизик ҳамда агрохимёвий хоссаларининг яхшиланишига эришилган. Пахтадан юкори ва сифатли ҳосил етиштиришда ноанъанавий агрорудаларни қўллаб, сув ва маъданли ўғит ресурсларини тежаш агротадбирларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда бир миллион гектардан ортик майдонда ғўза парваришланиб, уч миллион тоннадан кўпроқ пахта хосили етиштирилиб, пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаб, мўл ва сифатли ҳосил олишда маъдан ўғитларга қўшимча равишда ноанъанавий агрорудаларни самарали қўллаш меъёрларини ўрганишни ҳамда ушбу тадбирларни илмий, амалий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятини асослаш, ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш пахтачиликдаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.3-бандида «...ғўза навларини парваришlashда маъдан ўғитлардан самарали фойдаланишда сув ва ресурстежовчи агротехнологиялардан кенг фойдаланиш элементларини жорий этиш»² га алоҳида эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилган.

¹ <http://www.agriculture.uz> <http://file:///Users/ACER/Downloads> <http://ibm.nic.in/writeraddatfiles>.

<http://countymeters.info/ru/Uzbekistan>, <http://sgp.uz/uz/projects>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» давлат дастури

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган¹.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экинларини мақбул суғориш тартиблари ва сувга бўлган талабини ўрганиш бўйича республикамизда С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, Н.Ф.Беспалов, Ф.М.Саттаров, Қ.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиёқулов, М.Х.Ҳамидов, Ш.Н.Нурматов, С.Бўриев, М.Тожиев, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, А.Исашов, Ж.Қ.Шадманов ва хорижда J.V.Kincer, K.S.Gangwar каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилган.

Қишлоқ хўжалигида экинларни озиклантиришда маъдан ўғитларга қўшимча агрорудалардан фойдаланиш бўйича Л.Слесарева, Р.Назаров, Н.Ўразматов, С.Болтаев, Д.Тунгушова, С.Абдурахмонов ва бошқа олимлар илмий ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган. Лекин бугунги кунда Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали “Андижон-37” ва “Султон” навларини парваришда қўлланиладиган суғориш тартиби ҳамда маъдан ўғитларга боғлиқ ҳолда ноанъанавий агрорудалардан (бентонит) фойдаланиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олний таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Истикболли ғўза навларининг ўтлоқи тупроқ шароитида навбатлаб экиш далаларида озика режимини ўрганиш” (2015-2017 йй.), КҲА-9-012 “Янги тизимдаги мелиоратив минтақа гидромодул ҳудудлар бўйича районлаштирилган, истикболли, янги ўрта ингичка толали ғўза навларини кўчат калинлиги, сув-ўғит меъёр-нисбатлари, суғориш тартибларини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали “Андижон-37” ва “Султон”

¹<http://www.uzscience.uz/wntp.00.html>

навларидан эртаки, юкори ва сифатли пахта хосили етиштиришда, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда сув сарфини ва маъдан ўғитларни тежашда ноанъанавий агроруда (бентонит)дан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза навларини парваришlashда қўлланилган ноанъанавий агрорудаларни тупрокнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

фойдаланилган ноанъанавий агрорудаларни тупрокнинг агрокимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

ғўза навларини етиштиришда ноанъанавий агрорудалар таъсирида макбул суғориш меъёрлари, сув истеъмоли ҳамда бир центнер хосил учун сув сарфини аниқлаш;

қўлланилган ноанъанавий агрорудаларни ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши, хосилдорлиги ҳамда тола сифат кўраткичларига таъсирини ўрганиш;

ғўза навларини етиштиришда ноанъанавий агрорудаларнинг иктисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оч тусли бўз тупрок, ғўзанинг ўрта толали “Андижон-37” ва “Султон” навлари, бентонит ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маъдан ўғитлар, бентонит ва унинг меъёрлари, тупрокнинг агрофизикавий хосса ва хусусиятлари, сув, ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навлари, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши пахта хосили ва толасининг сифат кўрсаткичлари, иктисодий самарадорлик.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотда кузатув ва таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида, тажриба вариантларида тупрокнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш “Тупрокнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш” услубий қўлланмаси бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибалари услублари” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида маъдан ўғитларга қўшимча равишда ноанъанавий агрорудаларни шудгорлашдан олдин ҳамда ғўза навларини шоналаш даврида қўллашнинг ресурстежамкор агротехнологияси ишлаб чиқилган;

ғўза навларини парваришlashда ноанъанавий агрорудаларни (бентонит) қўллаш орқали тупрокнинг нам саклаш қобилиятини ортиши натижасида макбул сув истеъмоли, маъдан ўғитлар сарфини тежалиши аниқланган;

ресурстежамкор агротехнология орқали “Андижон-37” ва “Султон” ғўза навларини парваришlashда ноанъанавий агрорудалардан самарали фойдаланиш натижасида уларни суғориш тартиблари, озика меъёрлари ҳамда ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири аниқланган;

маъдан ўғитларга қўшимча равишда уч йилда бир марта ноанъанавий агрорудаларни шудгорлашдан олдин ҳамда ҳар йили ғўза навларига шоналаш даврида қўллаш оркали тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири ҳамда ресурстежамкор агротехнологиянинг иктисодий самарадорлиги ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларини маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларида (ҳар йили) гектарига 750 кг. дан бентонит қўшиб озиклантирилган ва ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибида ёки 1-2-1 сўғориш тизимида сўғорилганда, бентонитнинг ижобий таъсирида 0-30 ва 30-50 см қатламида тупроқнинг ҳажм массаси 0,06-0,08 г/см³ пасайиб, амал даврида ўсимликларнинг жадал ўсиб-ривожланиши учун қулай тупроқ шароити яратилди.

Ғўза навларини озиклантиришда маъдан ўғитларга $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўшимча ҳайдов олдидан (3 йилда бир марта) гектарига 6000 кг ҳисобида бентонит солиб парвариш қилинганда ўсимликларни озика ва сув билан таъминланиши учун макбул тупроқ шароити яратилди ҳамда ғўзанинг “Андижон-37” нави 1000 дона чигит вазни 2-3 г. га, тола чиқиши 0,7 фоизга, пахта ҳосилдорлиги 3,4-4,0 ц/га. ортиши, ғўзанинг “Султон” навида эса 1000 дона чигит вазни 5 г. га, тола чиқиши 1,4 фоизга, пахта ҳосилдорлиги 4,1-4,6 ц/га. ортиши кузатилди. Пахта ҳосилининг 7-10 кун эрта пишиб етилиши ва унинг 90-100 фоизи биринчи саноат нави талабларига жавоб бериши, мавжуд ресурсларнинг 25 фоизга тежалиши туфайли рентабеллик ғўзанинг “Султон” навида 27,1 ва 37,9% ҳамда “Андижон-37” навида 29,2 ва 36,1 фоизга ортганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, тажрибада олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларда чоп этирилиб, мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги; математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан ижобий апробациядан ўтказилганлиги маъқул ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларидан эртаки, юкори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда ресурстежамкор агрорудалар таркибига кирувчи бентонитни ғўзани шоналаш фазасида (ҳар йили) қатор ораларига ёки (уч йилда бир марта) ерни кузги шудгорлашдан олдин солишнинг тупроқнинг агрофизик, сув-физик ва агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир қилиши илмий асосланган. Уларни ғўза навларини сўғоришда нам сақлаш ва сўғориш ораликларининг узайиши натижасида сўғоришлар сонини сезиларли қисқартиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларида ғўзанинг шоналаш даврида (хар йили) ёки маъдан ўғитларни юқорида таъкидланган меъёрларига қўшимча равишда хайдов олдидан (уч йилда бир марта) бентонитни қўллаб, макбул суғориш тартиби ва меъёрларида сув тежовчи агротехнологиянинг жорий этилиши натижасида ўрта толали ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларидан эртаки, юқори ва сифатли пахта хосили етиштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оч тусли бўз тупроклар шароитида ғўза хосилдорлигини оширишда маъдан ўғитларга қўшимча сифатида ноанъанавий агрорудалардан фойдаланишнинг макбул меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Ќўзаларни қўшимча сув ва ўғит билан таъминлашда агромаъдан бентонитдан фойдаланиш бўйича Фермерларга тавсиялар” тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.08.2018 й., 02/020-227-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Андижон вилоятининг фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилган;

ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларини парваришлашда маъдан ўғитларни тежаш агротехнологияси Андижон вилояти Олтинқўл туманидаги “Порлок водий алплари” ва “Порлок водий жавохири” фермер хўжаликлари шароитида 61,6 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.08.2018 й., 02/028-227-сонли маълумотномаси). Бунда ғўзани шоналаш даврида 750 кг/га ҳисобида агромаъдан бентонитни маъдан ўғитларга ($N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га) аралаштириб фойдаланиш оркали, маъдан ўғитларнинг сарфини 25 фоизгача камайтиришга эришилган;

ғўза парваришлашда ресурстежамкор агротехнологияни Андижон вилояти Мархамат туманидаги “Ашуржон чорва даласи” ва “Найман пахтаси” фермер хўжаликларининг 45 гектар ҳамда Избоскан туманидаги “Андижон олтин даласи” ва “Қаҳрамонжон орзулари” фермер хўжаликлари шароитида 50 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 27.08.2018 й., 02/028-227-сонли маълумотномаси). Натижада, кузги шудгор остига агромаъдан бентонитни 6000 кг/га меъёрда (3 йилда бир марта) қўллаб, суғоришнинг 1-2-1 тизимида ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғориш натижасида 870-920 м³/га сувнинг тежалиши ҳамда пировардида 38-40 центнер хосил олиниб, анъанавий агротехнологияга нисбатан 4,0-4,5 ц/га қўшимча хосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 10 та макола чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та жумладан, маҳаллий нашрларда 4 та, хорижий нашрларда 1 та, илмий-амалий анжуманлар мақолалар тўпламида эса 2 та илмий мақолалар чоп этилган. Шунингдек, “Ўзгаларни қўшимча сув ва ўғит билан таъминлашда агромаъдан бентонитдан фойдаланиш бўйича Фермерларга тавсиялар” номли тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўзгани суғориш тартиблари, озиклантириш меъёрлари ҳамда ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг аҳамияти бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича кўп йиллик илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, ўза навларнинг парваришда маъдан ўғитларни қўллаш меъёрлари бўйича, шунингдек, ўзининг таркибий жиҳатларига кўра таркибида микроэлементларни сақловчи ноанъанавий агрорудаларни (бентонит) турли тупроқ-иклим шароитларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш меъёрлари, усуллари таҳлил қилиниб, олиб борилган тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлилида батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, бентонитнинг намни шимиш хусусияти, тупроқнинг сув-физик ва кимёвий хоссаларига ижобий таъсири, таркибида 20-60% монтмориллонит минералининг мавжудлиги сабабли ўзгарувчан, бўкувчан ва алмашувчан катион-анионларнинг хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Мазкур тадқиқотда ечиладиган асосий масала адабиётлар шарҳида таъкидланганидек, амалдаги тавсия қилинган маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрларини 25% камайтирилган $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ўғитлаш фонида ўзгани шоналаш даврида (ҳар йили) қатор ораларига 750 кг/га ва кузги ҳайдов олдидан $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўшимча (3 йилда бир марта) 6000 кг/га бентонит солиб озиклантириш тадбирларини ишлаб чиқиш натижасида экстремал иқлим шароитида экилаётган ўза навларини

парваришларда унумдор тупроқлар муҳитини яратиб, ўғитлаш меъёрларини бевосита ЧДНСга нисбатан суғориш тартиблари асосида сувдан унумли фойдаланиб, юқори ва сифатли, иқтисодий самарадор ҳосил етиштириш шу кунда долзарб, зарурий ва самарали илмий тадқиқот ишлари, айниқса, аҳоли кўп ва зич, экин майдонлари кам Андижон вилояти пахтачилигида ички имкониятлардан фойдаланишга қаратилган.


Диссертациянинг “Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотнинг ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Тажиба ўтказилган дала тупроқлари оч тусли бўз тупроқ ҳисобланиб, ўрта қумоқ механик таркибли, шўрланмаган. Сизот сувлари сатҳи 4-5 метр чуқурликда жойлашган, ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори ҳарорат 202-222 кунгача бориб, фойдали ҳароратлар йиғиндиси 1962-2555°C даражани ташкил этиши ва ўртача йиллик ёғин миқдори оч тусли бўз тупроқли ерларда 240 мм. гача бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажибаларини ўтказиш услублари” қўлланмаси асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Дала тажибалари услублари” услубий қўлланмаси асосида математик тахлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Дала тажибалари амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко ва И.М.Мальцеванинг такомиллашган услубларида, нитратли азот миқдори ионометрик усулда, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий оловли фотоколорометрда П.В.Протасов усулларида аниқланган. Тажиба даласи тупроқининг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари ўзгаришини аниқлашда “Суғориладиган пахтачилик районларида агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш услублари” қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғовакчилиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик С.И.Долгов ва С.Н.Рыжов усулида аниқланган ва иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тажибалар ва кўрсатилган тизимлар бўйича ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган.

Диссертациянинг “Янги ғўза навларини етиштиришда сув ва ресурс тежовчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари” деб номланган учинчи бобида оч тусли бўз тупроқлар шароитида тажиба ўтказилган майдоннинг агрокимёвий хусусиятлари ёритилган бўлиб, чиринди (гумус) ва озика унсурлари билан кам таъминланганлиги аниқланган.

Тажиба ўтказилган йилларда ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларини маъдан ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларида озиклантириш билан бирга ғўзани шоналаш даврида (хар йили) 750 кг ҳисобида бентонит

солинган ҳамда ғўза навларини суғоришни ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилган вариантларда бентонитнинг ижобий хусусиятлари таъсирида тупроқнинг 0-30 см қатламида умумий шаклдаги озика моддалар миқдори назорат вариантларга нисбатан 8-10 фоизга, ҳаракатчан озика моддалар миқдори 10-15 фоизга кўпайиши таъминланган, ҳайдов олдидан маъдан ўғитларнинг 25 фоизга камайтирилган меъёрига кўшимча (3 йилда бир марта) 6000 кг/га бентонит солинган ҳамда ғўза навлари суғоришни ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилган вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида умумий шаклдаги озика моддалар миқдори назорат вариантларга нисбатан 12-15 фоизга, ҳаракатчан озика моддалар миқдори 32-40 фоизга кўпайиши аниқланган.



Изох; Ҳайдов олдидан 3, 6, 9 ва 12 вариантларга гектарига 6,0 тонна (3 йилда бир марта), шоналаш даврида 2, 5, 8 ва 11 вариантларга ҳар йили 750 кг/га бентонит қўшиб озиклантирилган.

1-расм. Тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси ва ғоваклигини ўзгариши, 2015 й.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тажрибаларда тупроқнинг ҳажм массаси маъдан ўғитлар камайтирилган ҳолда қўлланилган ва ҳайдов олдидан (3 йилда бир марта) гектарига 6000 кг бентонит солинган вариантларда тупроқ қатлами амал даврининг бошига нисбатан 0,08 г/см³ зичлашган бўлсада, ўзининг назорат вариантыга нисбатан ўртача 3 йилда 0,12-0,13 г/см³ пасайиши кузатилган.

Худди шундай қонуниятлар иккала ғўза навларининг ҳайдов олдидан (3 йилда бир марта) гектарига 6000 кг бентонит солинган вариантларида амал даври бошидаги ғоваклиги ўртача уч йилда 52,2 ва 53,3 фоизни ташкил этиб, амал даври охирига келиб, бентонитнинг ижобий таъсири натижасида тупроқ ғоваклиги 2,5 фоизга камайган (50,8%). Назорат вариантларида эса тупроқ ғоваклиги бентонит солинган вариантларга нисбатан 4,8% камайган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза навларини маъдан ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларида ғўзани шоналаш даврида гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ҳамда суғоришнинг ЧДНСга 60-70-60% ва 70-70-60% бўлган вариантларида кузатилган бўлиб, бу вариантларда амал даври бошидаги 6 соат давомида гектар ҳисобига ўртача уч йилда (2-5, 8-11 вариант) 691,9 ва 674,9; 681,1 ва

677,9 м³/га. ни ташкил этган, амал даври охиридаги сув сингиши минутига 15,6 м³ миқдорда бўлиб, маъдан ўғитларнинг кам меъёрлари қўлланилган ва қўшимча 6000 кг/га бентонит солинган вариантларнинг кўрсаткичларига яқин натижалар олинган. Назорат вариантларида тупрокнинг сув ўтказувчанлик қобилияти амал даври охиригача пасайиб бориб, ғўза навларини маъдан ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрларида озиклантирилган вариантларда 6 соат давомидаги тупрокнинг сув ўтказувчанлик қобилияти амал даврининг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан 184,3-185,8 м³/га. камайиб, 463,2-464,3 м³/га. ни ташкил этган. Бу вариантларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти бентонит солинган вариантларга нисбатан 70-100 м³/га. га пасайганлиги аниқланган.

Ўтказилган тажрибаларда суғориш тартиблари ва маъдан ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларида ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларини ўғитлаш билан бирга ғўзани шоналаш фазасида қатор ораларига гектарига 750 кг бентонит солиш ҳамда хайдов олдида фосфорли ва калийли ўғитларга қўшимча 6000 кг/га бентонит солинган вариантларда ғўза қатор ораларида тупрок намлиги узокрок сакланишида, ғўзанинг ўсиб-ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.


Маъдан ўғитларни 25% миқдорда камайтирилган меъёрларига хайдов олдида гектарига 6000 кг бентонит солинган ҳамда ғўза навларини суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилган вариантлар тупрок намлигини узок сакловчи энг юкори самарали тадбир эканлигини кўрсатган. Кузги хайдов олдида гектарига 6000 кг солинган бентонит тупрок зичлиги ва ғоваклигини, шунингдек, сув ўтказиш хусусиятларининг сезиларли яхшиланганлиги сабабли тупрок намлигининг бугланиши, маъдан ўғитларни гектарига N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрида озиклантирилган назорат вариантларига нисбатан 2,0-2,5 бараварга камайганлиги кузатилган. Натижада бу вариантларда тупрок намлиги узокрок сакланиши туфайли суғориш муддатлари ҳам узайган. Ғўза навлари шоналаш даврида гектарига маъдан ўғитларни N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларда 750 кг/га бентонит қўшиб ўғитланган ва хайдов олдида 6000 кг/га бентонит солинган ҳамда суғоришни ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тупрок намлигида ўтказилган вариантларда тупрокнинг сув ўтказувчанлик хусусиятлари одатдаги ўғитланган тупрок шароитидаги вариантларга нисбатан юкори бўлиб, тупрок намлигининг узок сакланиши ва амал давридаги суғоришлар сонининг сезиларли кискаришида муҳим омил бўлган.

Маъдан ўғитларни (2015 йил шароитда) N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларида қўллаб, хайдов олдида гектарига 6000 кг ҳисобида бентонит солинган вариантларда тупрок намлиги ва суғориш меъёрлари бошқа вариантларга нисбатан фаркланиб, бентонитнинг тупрок таркибидаги таъсири узок давом этиб, бошқа вариантларга нисбатан намлик энг юкори даражада бўлган. Натижада ғўза навларининг ўсув давридаги суғоришларда ҳар иккала суғориш тартибида ҳам сув сарфини кескин камайтириш имкониятини яратган. Суғоришни ЧДНСга нисбатан 60-70-60% суғориш тартибида 27 ва 28 кун оралигида ўтказилиб, ўртача 882 м³/га сув сарфлаб, мавсумда 3

маротаба жами 2646 м³/га сув берилган. Бу суғориш тартибида назорат вариантыга нисбатан сув сарфи 1717 м³/га. га тежалиб ғўза навларини суғориши сони биттага қисқарган. Шунингдек, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилганда, ғўзалар 26 ва 28 кун оралиғида, ўртача 797 м³/га сув сарфлаб мавсумда 4 марта жами 3188 м³/га сув берилган. Демак, ушбу суғориш тартибида ҳам назорат вариантыга нисбатан сув сарфи 1699 м³/га тежаб қолинган. Бу суғориш тартибида ҳам ғўза навларини суғориш сони бир маротаба қисқарган.

Суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш тартибда ўтказилган вариантларда ғўзаларнинг амал даври давомида тупроққа солинган 6000 кг бентонитнинг ижобий таъсири натижасида суғориш оралиғи 10-13 кунга узайиб, ғўза навларига 26-28 кунда сув берилган. Бентонитни қўллаш услубларидаги фарқларга эътибор берсак, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тартибда ўтказилган вариантларда тупроқ намлигининг буғланиши бир кунда 0,96-1,0 фоизгача, 70-70-60% суғориш тартибдаги вариантларда тупроқ намлигининг буғланиши 0,40-0,44 фоизни ташкил қилиб, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тартибда ўтказилган вариантларга нисбатан бентонитнинг ижобий таъсирида буғланиш икки бараварга камайганлиги кузатилади.

Тажириба вариантларида сарфланган сув миқдорларини ҳисоблашларига кўра, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тупроқ намлигида ўтказилган вариантларда захира сувлар ва ёғингарчилик сувларини бирга қўшиб ҳисоблаганда жами ўртача 3 йилда одатдаги маъдан ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларда 4972 м³/га, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилган вариантларда сарфланган сув миқдори 5677 м³/га. ни ташкил этган.



2-расм. Тажириба даласининг вариантлар буйича ўртача сув истеъмоли, 2015 й.

Маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларда ғўзанинг шоналаш даврида катор ораларига 750 кг/га бентонит қўшиб ўғитланган ҳамда суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тартибда ўтказилган вариантларда захира сувлар ва ёғингарчилик сувларини бирга қўшиб

хисоблаганда жами ўртача 3 йилда 3653 м³/га, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тупрок намлигида ўтказилган вариантларда сарфланган сув микдори 4590 м³/га. ни ташкил этган. Ҳайдов олдидан маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га қўшимча 6000 кг бентонит солинган ҳамда ЧДНСга нисбатан 60-70-60% суғориш тартибида суғорилган вариантларда захира сувлар ва ёгингарчилик сувларини бирга қўшиб хисоблаганда жами ўртача 3 йилда 3473 м³/га, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тупрок намлигида суғорилган вариантларда сарфланган сув микдори 3911 м³/га. ни ташкил этган. Тадқиқот натижаларига кўра, маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларда ғўзанинг шоналаш даврида катор ораларига 750 кг/га бентонит қўшиб озиклантирилган ҳамда ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тартибда суғорилган вариантларда бентонитнинг таъсири ҳисобига назорат вариантыга нисбатан 1319 м³/га сув тежаш имконини берган.


Маъдан ўғитларнинг 25% камайтириб солинган ва Ҳайдов олдидан қўшимча 6000 кг/га бентонит солинган ҳамда ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тартибда суғорилган вариантларда бентонитнинг таъсири ҳисобига 1499 м³/га, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғорилган вариантларда эса 1776 м³/га сув тежаш имконини берган.

Тежалган сувлар ғўза навларининг истеъмолига кўра хисоблаб чиқилганда, суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% тупрок намлигида ўтказилган ғўзанинг “Андижон-37” навини маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларда ғўзанинг шоналаш даврида катор ораларига 750 кг/га бентонит қўшиб ўғитланганда ва назорат вариантыга нисбатан гектаридан 2,4 центнер қўшимча пахта ҳосил териб олинган ушбу вариантда 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи 99,5 м³/ц. ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан пахта ҳосилдорлиги ошган бўлсада, сув сарфи 45,9 м³/ц. га камайиши аниқланган. Ғўзанинг “Султон” навида эса 37,1 ц/га пахта ҳосилини етиштириш учун жами 3653 м³/га сув сарфланиб, 1 центнер пахта учун 98,5 м³ сув сарфланган ёки ўзининг назорат вариантыга нисбатан сув 47,7 м³/ц камайиши кузатирилган.

Шунингдек, маъдан ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилиб, Ҳайдов олдидан қўшимча 6000 кг/га бентонит солинган ҳамда ЧДНСга нисбатан 60-70-60% суғориш тартибида суғорилганда назорат вариантыга нисбатан 3,0 центнер қўшимча ҳосил териб олинган.

Тажрибада суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 60-70-60% суғориш тартибида ғўзанинг “Андижон-37” навида 1 ц пахта ҳосил олиш учун сув сарфи 93,1 м³ ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан пахта ҳосили ошган бўлсада, сув сарфи 52,3 м³/ц. га камайиши аниқланган. “Султон” ғўза навида 37,4 ц/га пахта ҳосили етиштирилган бўлса, 1 центнер ҳосил учун 92,9 м³ сув сарфланган бўлиб, ўзининг назорат вариантыга нисбатан сув 53,3 м³/ц кам сарфланганлиги кузатирилган. Ўтказилган уч йиллик тадқиқот натижаларига кўра, ғўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларини парваришlash агротехникасида маъдан ўғитларни камайитрилган меъёрларига Ҳайдов олдидан қўшимча 6000 кг/га бентонит солинган суғоришни ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказиш ёки 1-2-1

суғориш тизими макбул ҳисобланиб, маъдан ўғитлар ва сув тежовчи агротадбир эканлиги аниқланган.



3-расм. Тажриба вариантлари бўйича олинган пахта ҳосилдорлиги ва сарфланган сув миқдорлари, 2015 й.

Хайдов олдида маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрларини 25 фоизга камайтириб солинган ва гектарига 6000 кг бентонит кузги шудгор олдида қўлланилган ҳамда ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида ўтказилган вариантлардаги “Андижон-37” навида ўртача 14,7 ва “Султон” навида 15,6 донадан ҳосил шохлари тегишли равишда 11,7 ва 13,5 донадан ҳосил элементлари, 6,8 ва 8,3 донадан қўсақлар шаклланиб, ўзининг назорат вариантыга нисбатан “Андижон-37” навида ҳосил шоҳи 1,9 донага, ҳосил элементлари ва қўсақлари 2,0 донага, “Султон” навида ҳосил шоҳи 2,3 донага, ҳосил элементлари ва қўсақлари 2,2 донага ортаганлиги кузатишган.

Ўза парваришида илк мартаба қўлланилган агротадбир, яъни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ўғит меъёрларига ўзанинг шоналаш даврида (хар йили) гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ва хайдов олдида юқорида таъкидланган маъдан ўғитлар меъёрига (3 йилда бир марта) гектарига 6000 кг бентонит солинган ўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навларининг ўсиб-ривожланиши учун озика моддалар билан бойитилган, юқори унумдорликка эга бўлган макбул тупроқ шароитини яратган.

Тажриба натижаларига қарганда, ўза навларига қўлланилган агротадбирлар ҳамда суғоришнинг ЧДНСга 70-70-60% тартибларида ўтказилиши таъсирида ўзанинг “Андижон-37” ва “Султон” навлари бир дона қўсақдаги пахта вазни навларга ва суғориш тартибларига тегишли равишда 5,6-5,7; 5,8 г вазни ташкил қилган. Бунда бентонит меъёрлари ва қўллаш муддатларидан қатъий назар ўзaro фарқи деярли кузатилмаган ёки иккала ўза навида ҳам назорат вариантларига нисбатан бир дона қўсақ 0,2-0,3 г ортик ваздаги қўсақлар шаклланиган.

